



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 21 март, № 56 (5476)

Чоршанба

Тадбир

Андижон шаҳридаги Бобур номли вилоят ахборот-кутубхона марказида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Президент асари ўрганилмоқда

Унда тадқиқотчи олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг мазкур асарида истиқлолимизнинг қўлга киритилиши билан боғлиқ муҳим воқеалар ўзининг ҳаққоний аксини топганлигини таъкидладилар. Шунингдек, сўзга чиққанлар сиёсий қурашлар кескин авж олган ўта мураккаб шароитда давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати ҳамда матонати туфайлигина халқимизнинг тарихий орзуси — мустақилликка эришилгани хусусидаги аниқ далил ва ҳужжатлар китобда жам-

ланганлигини эътироф этдилар. — Мазкур асарнинг нашр қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди, — дейди Андижон машинасозлик институти доценти Муҳиддин Назаров. — Ёшларимиз ушбу асар орқали мустақилликнинг нақадар улуг ва муқаддас неъмат эканлигини терефроқ англаб етдилар. Асар ёш авлоднинг она-юртга садоқат ҳамда миллий истиқлол гоёлари руҳида қамол топишларида қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ташаббус — 2012»

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида аъъанавий ўтказиб келинаётган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичлари жойларда катта қизиқиш ҳамда юқори савияда ташкил этилмоқда. Тадбирлар доирасида соҳа мутахассислари иштирокида анжуман ва ўқув-семинарлари ўтказилаётгани маҳаллий тадбиркорлар иқтисодни тублаштиришга хизмат қилаётди.

Ғайратли ва интилувчан тадбиркорлар кўриги

Бухоро

"Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи ишбилармонлар, фермерлар ва хунармандлар учун ўзига хос маҳорат кўригига айланган. Аъъанавий танловда ўзининг ташаббускорлиги, янгиликка интилувчанлиги билан эл-юртга танилган эллик нафардан зиёд даввогар қатнашди. Улар томонидан ташкил этилган ранг-баранг маҳсулотлар кўргазмаси бу ерда тадбиркорлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёяётганини, истеъмом бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдираришдаги улushi ошиб бораётгани яна бир қарра намоён этди. Тадбир жараёнида иштирокчилар нафақат ҳамкасбларининг фаолияти билан яқиндан танишдилар, балки ўзаро тажриба алмашиб, ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиш олдилар.

Танлов натижаларига кўра, "Бухоро карпет" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анвар Ризовон "Энг яхши тадбиркор", Шофирмон туманидаги "Афзал полимер замини" фермер хўжалиги бошлиги Афзал Қўшшаев "Энг яхши фермер", жондорлик темирчи уста Фолиб Бақоев "Энг яхши хунарманд", деб топилди. Шунингдек, бошқа бир қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар номи аниқланди.

И. ИБРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган

Бугунги кунда вилоятда 25200 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Утган йил якуналарига кўра, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улushi 78,7 фоизга етди. Айтиш керакки, соҳани бу қадар жадал ривожлантириш, жойларда қулай бизнес муҳитини яратиш, тадбиркорлар ўртасида хўжалик алоқаларини кенгайтириш ва уларнинг маҳсулотларини реклама қилишда "Ташаббус" кўрик-танлови муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ўтказилган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичида эса 36 нафар даввогар қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар фаолиятини баҳолашда иш-

лаб чиқариш кўрсаткичлари билан бир қаторда, субъектларнинг Бандлик дастури ижросидаги улushi, устоз ва шогирд аъъанасини йўлга қўйиш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт-боп маҳсулотлар тайёрлаш сингари қирраларига алоҳида эътибор қаратди. Якунда Наманган туманидаги "Водий ёғоч текстиль" хусусий корхонаси раҳбари Исламжон Кутбиддинов "Энг яхши тадбиркор", Чуст туманидаги "Саъди Файз" фермер хўжалиги раҳбари Файзулла Саъдиев "Энг яхши фермер", Наманган шаҳридан Латифжон Садриддинов "Энг яхши хунарманд" йўналишлари бўйича голиб, деб топилдилар.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2-бетга қаранг.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Иқтисодиётимиз тармоқларининг жадал ривожидида муҳим аҳамият касб этади



Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизнинг барқарор суръатлар билан тараққий топишида асосий омил бўлмоқда.

Ислохот

Чунончи, ўтган йили биргина Жиззах вилоятида барча манабалар ҳисобидан 514,9 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилгани, бу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 23,5 фоизга ортгани бунга аққол мисол бўла олади.

Жами инвестицияларнинг 61,5 фоизидан ортиги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,6 фоизга, хусусан, саноатда 16,4 фоизга ўсишига эришилди. Бир қатор янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Ҳудудий инвестиция дастури доирасида ўтган йили 52 та лойиҳа амалга оширилиб, 28,8 миллион АҚШ доллари миқдоридида хорижий ва маҳаллий ин-

вестициялар ўзлаштирилди, — дейди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошқаруви Алишер Қодиров. — Шунинг 7,6 миллион АҚШ долларлик қисмини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этди. Жалб қилинган маблағлар ҳисобида Жиззах шаҳридаги "Евроазия карпет" қўшма корхонасида экспортбоп гилла маҳсулотлари, Фалларол туманидаги "Дедосиа паинт" қўшма корхонасида қурилиш бўёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, "Жиззах кентекс" хорижий корхонасида пахта-ни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилаётди.

(Давоми 2-бетда).

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Тошкент шаҳрида 20 март кунини Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида Япония ҳукумати-нинг беғараз ёрдам дастури доирасида "Тиббий ускуналарни етказиб бериш" лойиҳаси бўйича Алмашув ноталари имзоланди.

Ҳамкорлик

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимиз соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур йўналишда Япония ҳукумати билан 1995 йилдан буён амалга ошириб келинаётган ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва маҳалла мутахассислар тайёрлашга қаратилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Дил сўзи

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимизнинг нутқларини диққат билан эшитдим. Юртбошимизнинг пойтахтимизни янада ободонлаштириш, халқ турмуш тарзини бундан-да яхшилаш, янги иш ўринларини ташкил этиш хусусидаги сўзларидан қалбимга бир олам қувонч инди.

Ишонч ва ғамхўрлик улкан масъулият юклайди

Ахир, қувонмай бўладими? Дунёда ўз ўрни, нуфузига эга мамлакатда яшаётган барча жойларда бўлганидек, пойтахтимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бераётди. Маҳаллаларимиз хотиржам, оилаларимиз фаровон. Фарзандларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмадани камол топишлари учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда. Кўплаб корхоналар, хусусий фирмалар ишга тушириляпти. Янги олий ўқув юртлири, таълим ва шифо масканлари, магистраль кўча ва проспеклар, муҳташам кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда. Қисқача айтганда, Тошкентнинг салоҳияти тобора ортиб, қиёфаси тубдан ўзгариб бораётди. Шу маънода, Президентимизнинг Тошкент шаҳри — мустақил давлатимизнинг пойтахти, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизнинг юраги, Ўзбекистонимизнинг юзидир. Барчамиз Тошкентнинг бошқалар учун доимо намуна бўлишини истаётимиз ва бундай юксак мақсадни ўз олдимиизга вазифа қилиб қўйганимиз, дейишлари ҳар биримизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

(Давоми 2-бетда).

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида халқ амалий санъати усталарининг аъъанавий "Наврўз — 2012" кўргазмаси очилди.

Наврўз ижодкорлар талқинида

Кўргазмадан уста-хунармандлар томонидан тайёрланган ва айни пайтда мамлакатимизнинг бир қатор музейларида сақланаётган ижод намуналари ўрин олган. Улар орасида мусиқа асбоблари устаси Усмон Зуфаров, моҳир ганчкор Тошўлат Арслонқулов, уста қулоллар Абдукарим Ҳазратқулов, Маҳсутали Туропов, каштачи Фазилат Саидалиева каби таниқли хунармандлар

томонидан ишланган буюмлар бор. Эътиборли томони шундаки, кўргазмада узоқ йиллардан буён ота-боболари хунарини ардоқлаб келаятган моҳир усталар ижоди алоҳида ўрин эгаллаган. Айниқса, ўзбек кулोलлигининг Риштон, Ёшдувон, Хоразм, Ғурумсарой мактаби вакилларининг асарлари томошабини бефарқ қолдирмайди.

С. АСТАНОВ.

Бандлик

Ўтган йили Қибрай туманидаги касб-хунар коллежларини 1900 нафардан зиёд ёшлар битирди.

Иш ўринлари ярмаркаси

Худудда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида асосий эътибор уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашга қаратиляпти. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар туфайли айни пайтда битирувчиларнинг 1800 га яқини тумандаги 150 дан ортиқ корхона ва ташкилотларда фаолият юритмоқда.

Меҳнат ярмаркаларининг навбатдагиси Байтқўрғон қишлоғидаги иқтисодиёт ва машиий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлиб ўтди. Унда тумандаги қирқдан зиёд корхона ёшларга мўлжалланган бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир давомида коллеж битирувчиларининг 36 нафари тахсилни якунлагач, иш бошлаш учун тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзолади.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2012 йил 23 март кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага — 2012 йил 22 март кунини 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесидида рўйхатга олинади.

Автомобилсозларимизнинг янги тўхфаси

Кеча Тошкент шаҳрида «Chevrolet Malibu» русумли янги автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар, "General Motors" компанияси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).



С. ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ МЎЛ БЎЛАДИ

Ушбу мақсадга эришиш учун соҳада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, деҳқон ва фермерлар учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилаяпти. Қишлоқ меҳнаткашлари бундан унумли фойдаланган ҳолда жорий йили экин-тикин ишларни тобора қизитиб, мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

2012 йилда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 5,8 фоиз ўсиши ютиляпти.

SAVDOGAR BANK

Ўзбекистон — Германия
«Савдогар»

очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси

муқаддас юртимиз аҳли ва меҳмонларини, ўз акциядорлари ҳамда мижозларини баҳор ва гўзаллик байрами —

Наврўзи олам

билан самимий муборакбод этади.

Ватандошларимизга тинчлик-хотиржамлик, баҳорий кайфият, бахт-саодат, дастурхонларига қут-барака тилайди ҳамда қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

Миллий валютадаги омонатлар	
Омонат номи	Муддати
«Мустақкам оила»	12 ой
«Коммунал тўлов»	камида 6 ой
«Хазина»	6 ой
«Истиқбол»	3 ой
«Кафолат»	6 ой
«Орзу»	12 ой

Хорижий валютадаги омонатлар	
Омонат номи	Муддати
«Комфорт»	3 ой
«Универсал»	6 ой
«Элит»	12 ой

Ишончли ва мустақкам ҳамкорлик учун — омонатлар.
«Савдогарбанк» ОАТБ.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ Тўғрисида 2012 йил 10 мартдан 16 мартгача бўлган маълумотни маълум қилади.

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**
 - «Имтёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2012 йил 10 февралдаги 5, 19-сонли қарори.
 - 2012 йил 12 мартда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 22 мартдан кучга киради).
 - «Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек, уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий судининг 2012 йил 13 февралдаги 7, 5, 22-сонли қарори.
 - 2012 йил 13 мартда 2338-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 23 мартдан кучга киради).
 - «Ўзбекистон Республикасининг муҳтож фуқароларини протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техника воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча қиритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2012 йил 14 февралдаги 14, 15-сонли қарори.
 - 2012 йил 13 мартда 1229-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 23 мартдан кучга киради).
 - «Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек, хўжалиқлараро кишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда ҳаракатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомга ўзгартиришлар ва қўшимча қиритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2012 йил 1 мартдаги 24-сонли буйруғи.
 - 2012 йил 15 мартда 1808-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 25 мартдан кучга киради).
 - «Музейлар, театрлар ва концерт заллари ходимлари учун меҳнати муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 14 февралдаги 7-Б-сонли буйруғи.
 - 2012 йил 15 мартда 2339-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 25 мартдан кучга киради).
 - «Хайвонот парклари (хайвонот боғлари) ва цирк ходимлари учун меҳнати муҳофаза қилиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 14 февралдаги 6-Б-сонли буйруғи.
 - «Маданият ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва яқка тартибда ҳимояланганининг бошқа воситаларини бепул беришнинг намунавий нормаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 5 мартдаги 12-Б-сонли буйруғи.
 - 2012 йил 15 мартда 2341-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 25 мартдан кучга киради).
 - «Хўжалик юртувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 12 декабрдаги 35/4, 82, 2011-41-сонли қарори.

2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 25 мартдан кучга киради).

9. «Табдиқорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВтгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддаштирилган тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш қиритиш ҳақида» Электр энергетика назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 17 февралдаги 2-сонли буйруғи.

2012 йил 16 мартда 2220-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 26 мартдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Хўжалик юртувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, 1-4-сон ўзгартириш ва қўшимчалар» (рўйхат рақами 615, 1999 йил 30 январь), (рўйхат рақами 615-1, 1999 йил 3 март), (рўйхат рақами 615-2, 1999 йил 4 май), (рўйхат рақами 615-3, 2000 йил 5 январь), (рўйхат рақами 615-4, 2000 йил 1 март) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлигининг 2012 йил 15 мартдаги 69-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Маъмур ҳужжатлар қончилиги ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Реклама ва эълонлар



«ЎЗВИНОСАНОАТ ХОЛДИНГ»
КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини

Наврўз айёми

билан самимий
муборакбод
этади!

Яшариш
ва эзгулик
рамзи бўлган
бу байрам
ҳар бир
хонадонга
тинчлик-
хотиржамлик,
бахт-саодат
ва тўкинлик
олиб келсин!



Мухтарам юрподошлар!

Соғинчли айёмимиз —

Наврўзи олам муборак!

Бу байрам қувончи
қалбингизни йил бўйи
тарк этмасин!

Хонадонлар файзи, дастурхон
тўкинлиги, дил ободлиги

ҳамроҳингиз бўлсин!

Байрамингиз билан!



НАМКОРБАНК

(+99874) 298-08-98, 298-18-98

www.hamkorbank.uz

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш
тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига
таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агробанк» ОАТБ томонидан, «Агробанк» ОАТБ бошқаруви йиғилишининг 2012 йил 4 январдаги 1/2-сонли қарорига асосан, «Агробанк» ОАТБ марказий аппарати балансидаги, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Хусайн Бойқаро кўчаси, 4-«А» уйда жойлашган бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 2 800 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 апрель куни соат 11.00 да савдо ташкилотчиси — «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ жойлашган манзил (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй) да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар маъмур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 18 апрель куни соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 20 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2012 йил 27 апрель ва 4, 11 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги

муддат 2012 йил 27 апрелдаги тақрорий савдо учун — 2012 йил 25 апрель куни соат 18.00, 4 майдаги савдо учун — 2 май куни соат 18.00, 11 майдаги савдолар учун — 8 май куни соат 18.00.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закатат келишуви, закатат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил қатнашганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Маъмур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатат келишуви асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини савдо кунга қадар «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФДО: 01036, СТИР: 207122519.

Телефонлар: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағмараси Марказий Кенгаши жағмаранинг Бухоро вилояти бўлими Кенгаши раиси Юсуф Қурбонова турмуш ўртоғи **Бибиш ая СОДИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан чукўр ҳамдардик билдиради.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси Истиқболли телерадиохалар студиясининг катта муҳаррири Озода Вилорийовнага падиари бузруквори **ХУДОЙБЕРДИ отанинг** вафоти муносабати билан чукўр таъзия ишорэ этади.

Туйғу

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

Наврўз

Авал юрагинга мўралайди у,
Сўнгра куртакларга ўргатади сўз.
Заминнинг кўзидан қочади уйқу,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Қишининг аҳволига боқиб, ҳойнаҳой,
Юм-юм ёш тўқмоқда эриётган муз.
Жилва қилаёттир тенгсиз бир чирой,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Она бағри каби илиқдир олам,
Ҳарир ҳовур ичра яйрар дала-туз.
Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Яна кўнгаллардан рутубат кетди,
Яна шуғалардан қамашмоқда кўз.
Яна дилдорликнинг фурсати етди,
Демак, Баҳор келди,
Келмоқда Наврўз!

Она

Бир умр ахтардим самимиятни
Ва уни оналар кўзида кўрдим.
Учратай дегандим абадиятни,
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим.

Реклама ва эълонлар



O'ZSANOATQURILISHBANK



«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
жамоаси барча юртдошларимизни
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий табриклайди ва янги
акция ҳақида маълум қилади.

Қўшимча маълумотларни www.uzpsb.uz сайтидан ва (8 371) 120-45-56 телефони орқали олишингиз мумкин.

ПРОМО-АКЦИЯ!

2012 йилнинг 1 мартдан 30 апрелигача
«Ўзсаноатқурилишбанк» VISA пластик карточкалари
орқали тўловларни амалга оширинг!



Бош мукофот -
2012 йилги Олимпиада
ўйинларига - Лондон
шаҳрига йўлланмани
ютиб олинг!



Шунингдек, Сиз қўшимча совринлар эгаси бўлишингиз мумкин!



Чангюттич

Микровўқинли
ивиткич

Кондиционер



Азиз ватандошлар!

Баҳор байрами — Наврўзи олам муборак!

Яшариш, яшнаш байрамида қилинган барча эзгу тилаklarимиз ижобат бўлсин.
Давлатимиз раҳбари томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб номланган
йилнинг Наврўзи ҳар бир хонадонга фаровонлик ва бахт олиб келсин.
Барчангизга сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Осмон беғубордир ҳар қачонгидан,
Зумрад ўтлоқларга қуёш сочар нур!
Кўклам ҳам соғиниб келган бу юртда
Минг йиллар кечиринг келади умр.

Ўзбекистон Республикаси
«ЎЗУЛГҮРЖИСАВДОИНВЕСТ» уюшмаси
«НАМАНГАНУЛГҮРЖИСАВДОИНВЕСТ»
жамоаси.

ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси
ва Хоразм вилоятида

(21 март)

-2 +3 +6 +11



Бухоро ва Навоий
вилоятларида

-3 +2 +7 +12



Тошкент, Самарқанд, Жиззах
ҳамда Сирдарё вилоятларида

-3 +2 +7 +12



Қашқадарё ва Сурхондарё
вилоятларида

-3 +2 +10 +15



Андижон, Наманган ҳамда
Фарғона вилоятларида

-3 +2 +7 +12



Тошкент
шаҳрида

-3 +8 +10



Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусахҳиҳ — Х. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон»
кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5